

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛТЕТИ

Туропов Мухсинжоннин
ИБТИДОИЙ ЖАМИЯТ ТАРИХИ ФАНИДАН

Курс иши

МАВЗУ: Ривожланган уруғ жамоасининг моддий маданияти.

ТОШКЕНТ 2014.

Мавзу: Ривожланган уруғ жамоасининг моддий маданияти.

Режа:

Кириш:

I боб. Ривожланган уруғ жамоасининг моддий маданияти.

- 1.1. Уруғ жамоасининг умумий таснифи.
- 1.2. Меҳнат қуролларининг такомиллашуви.
- 1.3. Турар жойлар.

II боб. Ривожланган уруғ жамоасининг ҳўжалиги.

- 2.1. Ривожлан уруғ жамоасида кийим-кечак ва безаклар.
- 2.2. Ривожланган уруғ жамоаси даврида таомлар.
- 2.3. Ривожланган уруғ жамоаси даврида хунармандчилик.

Фойдаланган адабиётлар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Тарихчи олимларнинг айтганидек, биз учун ҳамма нарсдан ҳам муҳим ва юксак бўлган тарих фани кишилиқ жамияти, унинг ривожланиш қонунияти ҳақида баҳс этади. Жаҳон халқлари тарихи муқарар равишда бири иккинчиси билан алмашинуви бешта даврга бўлинади. Улар ибтидоий жамоа, қадимги, ўрта, янги ва энг янги тарихий даврлардир. Уларнинг энг дастлабкиси ибтидоий жамоа тузуми ҳисобланади. У ер куррасида одамзод пайдо бўла бошлаган даврдан бошлаб ибтидоий гала, уруғ, уруғчилик тузумининг емирилиши мулкӣ тенгсизлик табақалар ва давлатнинг келиб чиқишигача бўлган катта тарихий даврни ўз ичига қамраб олади. Ибтидоий жамоа тузуми даврида айниқса уруғчилик тузумигача бўлган даврда одамлар тош, ёғоч, суяк ва бошқа буюмлардан ясалган жуда содда қуролларга эга эдилар. Улар ерда мавжуд бўлган нарсани териб термачилик, овчилик ва термачилик билан тирикчилик қилганлар.

Археолог олимлар Африка, Европа, ва Осиё шунингдек, ер куррасининг бошқа жойларидан ибтидоий кишиларнинг жуда кўп манзил ва манзилгоҳлари, маконлари қовлаб очишга муяссар бўлдилар. Ибтидоий жамоа тузуми даврида, айниқса, унинг дастлабки босқичларида одамлар ясаб фойдаланиган меҳмат қуроллари шунчалик содда экан бу уларнинг меҳнат малакаси, ишлаб чиқариш тажрибасининг ниҳоят даражада паст бўлганлигидан дарак беради. Демак, ўша даврдаги шарт-шароит ибтидоий кишиларни биргалашиб меҳнат қилиш ва яшашга мажбур этди. Биргалашиб меҳнат қилиш ва яшаш ишлаб чиқариш воситаси ҳамда истемол маҳсулотларини ҳамма учун умумий мулкка айлантиган эди. Умум меҳнати натижасида қўлга киритилган озиқ-овқат ва бошқа истемол буюмлари у ёки бугуруҳда яшаган барча катта кичик кишилар орасида баравар тақсимланар эди. Ибтидоий жамият тузуми табақасиз ва давлатсиз жамият эди. XIX ва XX асрнинг машҳур тарихчилари бу энг дастлабки даврга баҳо бериб, уни ҳамма баробар, тенг бўлган ибтидоий давр деб таърифлаган эдилар. Аجدодларимиз тарихининг илк даврини - яни

ибтидоий жамоа тузуми тарихини қайта тиклаш, уни ўрганиш нихоятда мураккаб, айти вақтда шарафли вазифадир. Узок давом этган бу тарихий даврда табиатнинг турли –туман ходисалари гирдобиди яшаган ибтидоий кишилар ер шариди катта қисмиди хаёт кечириб, хилма-хил тарзда тирикчилик о`тказганлар.¹

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Ибтидоий жамият тарихи фанини ўрганишда археология соҳаси катта ёрдқам беради, бу соҳа ғарбий европада Ларте, Мартиле Ванкил, Г Чайлд, Россияда эса Ф И Калинин, И С Поляков, И Д Черский, А А Чекановский, В В ДуКачаев, А С Уваров, Мележковский ва бошқаларнинг номлари билан чамбарчас боғлиқдир. Собиқ СССРда ибтидоий жамият тарихини ўрганишда П П Ефименко, С Н Замятник, Я Брюсов, М э Фосс, В А Гародков, О Н Бадер, П И Борисковский, А П Окладников, С П Толстов, Б Б Пётровский, Д А Крайнов ва бошқаларнинг номи билан узвий боғлиқдир.²

Ибтидоий жамоа кишиларининг диний қарашлари турлича кечганлар. Табиатнинг кўпгина ходисалари олдида ожиз бўлган ибтидоий одамлар жамоаси табиий ҳодисалардан жуда кўрққанлар. Одамлар ходисаларнинг хақиқий сабабини билмагач, уларни ғайритабиий куч вужудга келтиради деб ишонганлар.³

Мавзунинг таркибий тузилиши: (Ибобучта саволдан иборат II боб учта саволдан иборат хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан иборат)

¹Каровкин Ф.П «истории деревного мира» м. 1973-г. 28-29 бетлар

²Kabirov A., Ibtidoiy jamiyat tarixi” toshkent 2005 –yil 10-11 betlar.

³Каровкин Ф.П «истории деревного мира» м. 1973-г. 38-39 ,бет

I.1. Уруғ жамоасининг умумий таснифи.

Одамзод онгининг ривожлана бориши натижасида ишлаб чиқариш кучлари ўса бошлайди. Кучларнинг ривожлана бориши натижасида ижтимоий ҳаётга ҳам катта ўзгаришлар бўла бошлайди. Бундай ўзгаришлар кўпроқ ибтидоий жамоа тузуми давридаги ишлаб чиқарувчиларнинг ривожланишида хусусан меҳнат қуролларининг такомиллашувида кўзга ташланади.⁴ энг қадимги ибтидоий тўданинг уруғ жамоасига айланиш жараёни жуда узоқ ва мураккаб даврни ўз ичига олиб инсоният тарихий босқичида муҳим ўзгаришлар олиб келади. Қадимги плеолит даврида қуролларнинг хили жуда оз бўлиб, одамлар уларни етарли даражада ишлата олмаганлар. Чунончи меҳнат қуроллари содда ишланган эди. Бироқ кейинчалик сўнги плеолит даврининг бошларида келганда одамлар ҳаёти тубдан ўзгариб тошдан турли хил қирғич, тешгич ва найза учлари каби меҳнат қуролларини ярата бошладилар. Турли хил меҳнат қуролларининг такомиллашуви натижасида хўжалик ҳаётида ўзгариш содир бўлди ва овчилик, фермачилик янада ривожланиб кетди. Оқибатта бундай ўзгаришлар инсонлар жамиятига инсонлар жамоиятида ҳам ўз тавсифини кўрсатди. Аста – секин ибтидоий тўда да босқич емирила бошлади. Уруғчилик тузумининг пайдо бўлиши айнан сўнги плеолит даврига келиб тугалланди десак ҳоҳ қилмаган бўламиз. Чунки ушбу даврдаги Франциядаги Ориньяк-Солнетри маданиятлари Мустье даври маданияти белгилари билан таққослаб кўрилганда уруғчилик тузуми бошланиши даврида қадимги одамлар турли хил меҳнат қуролларини ярата бошладилар. Чунончи суяк ва шохдан материал сифатида жуда кенг фойдалана бошладилар, ёғочан ҳам кенг фойдалана бошладилар.

Тирикчилик, ҳаёт ва мамот учун бўлган кескин курашлар хўжаликни доимий таъминлай оладиган бирлашган ишлаб чиқариш уюшмаси юза келиши учун замин ҳозирланди. Бундай бирлашма негизида табиий қариндош уруғчилик ётар, бу энг дастлабки уруғ ёки уруғчилик жамоаси эди. Ибтидоий

⁴А. Кабиров “Ибтидоий жамият тарихи”...2005 йил..маруза .

тўда даврида ҳам одамлар гала-гала бўлиб, гуруҳ гуруҳ бўлиб яшаганлар.Лекин улар гуруҳининг сони 20-30 кишидан ошмас эди. Улар унча беқарор ва мустаҳкам эмас эди. Уларнинг дилида ҳамиша кўрқув ҳукумрон эди.⁵ Уруғчилик тузуми даврига келиб эса хар бир уруғдаги кишилар уюшмасининг сони 4-5 баробар орта бошлади ва уруғ ичида одамлар ўзаро ахилликка риоя қилганлар. Мустаҳкам бирликка эга бўлганлар. Уруғ ва уруғчилик тузумининг пайдо бўлиши тарихнинг энг мураккаб ва қийин масалаларидан бири ҳисоблади. Уруғ жамоаси қадимги инсоният тарихининг энг муҳим босқичларидан бири ҳисобланиб, қадимги мураккаб ибтидоий тўда давридан уруғ жамоаси даврига ўтиши билан изоҳланади. Ушбу ораликда яъниким ибтидоий тўда давридан.Уруғ жамоасига ўтиш босқичида одамлар оловдан кенг фойдаланишни ўргандилар. Натижада гўшт ва бошқа озиқ-овқатларни махсулотларини пишириб ейишни оқибатта энг қадимги одамларнинг ақл-идроки ривожланди. Инсонлар ҳаётидаги тузум ўзгарди.Аста-секин уруғ жамоалари шакилланди.Маълум бир жойда яшаган қавм- қариндошлар кишилар гуруҳи уруғ жамоаси деб аталади.Уруғ`жамоаси даврида биргалашиб меҳнат қилинган мол-мулк умумий булган, озиқ-овқат баҳам кўрилган. Уруғ жамоаси турли ривожланиш босқичлари мавжуддир. Уруғ жамоасида дастлаб сўнги полеолит давридан она уруғ ҳукумрон бўлган. Бу пайтга гирухли никоҳ кенг тарқалган бўлиб, туғилган бола отасини билмаган ва она тарбиясида қолган натижада қариндошчилик она томондан белгиланган. Энеолит даврига келиб ер юзининг кўплаб жойларида илк давлатлар вужутга кела бошлади ва аста-секин она уруғ матреархат барҳам топа бошлайди. Ибтидоий даврнинг археологиг ёдгорликларидан шу нарса маълум бўладики инсоният ибтидоийтўда давридан уруғ жамоасига ўтиш босқичидан ушбу тўдаларнинг қандай қилиб уруғ жамоасига айлангани ҳақида фикирлаб ўтишимиз лозимдир. Тўда давридан уруғ жамоасига ўтиш босқичларида инсониятнинг моддий маданияти шароитлари юксалиб боради. Сўнги полеолит даврининг учта катта

⁵М.О Косвен “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар” 1960 йил..

маданиятини текшириб кўриш натижасида шу нарса маълум бўладики уруғ уруғ жамоаларининг моддий маданиятлари юксалиб боради. Айниқса уларни уй жойлар қурилиши бошланганида турли хил меҳнат қуролларининг пайдо бўлганлигида бурғаловчи, пармаловчи меҳнат қуролларини узоқ тараққиёт босқичларидан ўтиб аста-секинлик билан инсониятга тез самара бера оладиган ишнинг кўламини кучайтирадиган меҳнат яратила бошланди. Уруғ жамоасида ҳам хўжалик соҳаларида ўзгаришлар содир бола бошлади. Бу вақтга келиб мусте даврининг содда қуроллари ўрнига тош, пичоқ, найза кескич, бигиз найзача ва турли нозик қуроллар тарқала бошлади. Гарчи кўпроқ сақланиб қолмаган бўлсада ушбу даврда уруғ жамоалари йўғочдан кўпроқ меҳнат қуроллари ясашган. Бу албатта уруғ жамоаларининг яшаш шароитларининг ўзгаришига олиб кела бошлайди. Эндиликда одамлар фақат термачилик ва овчилик билан эмас хўжаликни бошқа соҳалари билан ҳам шуғуллана бошладилар. Ушбу ўзгаришлар албатта қадимги одамларга ва уларнинг ҳаётида кўплаб ўзгаришларга олиб келди. Уруғ жамоаларининг моддий маданиятида ушбу ўзгаришларнинг жуда кўп самарали томонлари кузатилади. Чунки мезолит даврига келганда енгил ва чаққон ҳайвонлар вужудга кеди. Натижада якка овчиларнинг аҳамияти роли ошиб борди. Аёллар эса ўз қўналғасида қолиб болаларга қараб атроф теваракдан термачиликни давом эттирадилар. Қолаверса сўнги полеолитни охирларида овчиликни ривожланишидан дарак берувчи омиллар, далиллар кўплаб топилган. Мисол учун: Чехославакияда Премедмост манзилгахидан 40,000 қурол 1000 га яқин мамонт суяклари топилгани⁶ ҳам уруғ тамоилларининг пвчиликни жуда катта маҳорат билан олиб борганликларини кўрсатади. Уруғ жамоаларининг моддий маданиятлари уларнинг хўжаликларида ҳам ўзгаришлар бўлган. Одамлар бошпана сифатида ғорлардан ушурлардан дастлаб кенг фойдаланганлар. Лекин кейинчалик уруғ жамоасининг ўрта босқичларидан чайла, ертўла ва суний бошпаналар барпо этканлар. Дастлабки уруғчилик негизида эркаклар овлаб

⁶А.Кабилов “Ибтидоий ҷамият тарихи маруза” 2005 йил 67-бет

келинган ўлжалар умумий уруғ ичида кенг тақсимланиб бахам кўрилга. Термачиликдан топиб келинган овқатлар ҳам шу йўсинда тақсимланган. Еркаклар узок вақт овга кетганда аёллар уруғни бошқариб асосий хўжалик ишларини ўз кўлларига олганлар. Дастлабки деҳқончилик билан шуғулланганлар аёллар хисобланади. Таомлар пиширис турли хил термачилик маҳсулотлари билан аёллар шуғулланганлар. Ушбу даврда ҳам она уруғи ва она оиласи аёлларнинг ижтимоий ҳаётидаги ўрни еркакларникига нисбатан баландроқ бўлган. Сўнги палеолит даврининг охирларига келиб уруғчулик жамоаси янги ривожланиш палласига кира бошлайди. Айнан шу даврда мезолит даври бошларида табиаттаги ўзгаришлар иқлимнинг ўзгариши каби табиий омиллар уруғ жамоасининг хўжалик ҳаётида, меҳнат фаолиятида катта ўзгаришларга олиб келди. Ушбу даврда ишлаб чиқариш кучлари ўса бошлади. Ишлаб чиқариш кучлари ривожланишнинг чўққисига неолит даврида эришади. Палеолитнинг ориньяк-солютр босқичидан сўнги маданият дейиладин. Бу ерда уруғ жамоаси техника тараққиёти суяк ва шохладан турли буюмлар ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражада ривожланишида ўз ифодасини топди.

Шу хомашёлардан турли хил қуроллар найза отадиган қуроллар пайдо бўлган.

Гарпун ирғитиладиган қурол бўлиб уни ажратиладиган учи арра тишига ўхшаб кертик бўлиб, хайвонларни, шунингдек йирик балиқларни овлаш учун қўлланилган. Сўнги палеолит маданиятларидан фарқли равишда мезолит даврининг энг йирик ютуқларидан бири одамлар итни унинг азалий дўсти бўлган уй хайвони ни қўлга ўргатишди ва натижада уруғ жамоалари ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўла бошлади. Уруғ жамоаларининг ривожланиш нуқтаси деб неолит даврини атасак янглишмаган бўламиз. Чунки ушбу давр жуда катта кашфиётларга бой давр бўлган. Қолаверса одамлар эди ишлаб чиқарувчи хўжаликка озлаштира хўжаликни ортта қолдириб олға силжишти. Бу албатта юксак инқилобий жараён эди. Сўнги палеолитдан кейин дахр маданиятлари бўлмиш Азил, Гарденда, Астурий каби маданий қатламлардан топилган буюмларни кўздан кечириш мобайнида шу нарса аниқ

бўлдики ушбу маданиятлардан бўлмиш Астурийдан денгиз чиганоқлари уюшмаларини топилиши бўлди. Ушбу маданиятлар уруғ жамоасининг ривожланиш босқичида юксак пойдевор бўлганлигини биёрилишимиз мумкин. Шунингдек илк полеолитнинг ўзига хос ошхона ёки чиганоқлар уюми маданияти деб аталадиган маданият ҳам киради.⁷Неолит даврига кели ёғоч ишлаш ва ундан янги қуроллар ишлаш кенг кенг тарқалди. Ёғоч ишлаш уни кесиш учун ишлатиладиган қуроллардан энг муҳими силлиқланган тош болталар бўлиб у ерни ўрмонлардан тозалаш учун катта ахамият касб этади.

Неолит даври энг йирик ютуқлардан ҳисобланмиш қулолчиликни кашф этилиши одамлар ҳаётида жуда катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Эндиликда одамлар лойдан ясаб пиширилган спол идишларда ўзлари хоҳлаган нарсаларини сақлаб овқатларни қаҳира қилишни билиб олдилар.

Уруғ жамоалари ривожланиш босқичларига асосан она уруғидан яна матриархатдан ота уруғИ патриархатга ўтиши аста секинлик билан босқичма-босқич юзага келганини кўришимиз мумкин. Ушбу даврни ўзига хос хусусиятлари шундаки бу даврда уруғ жамоаларида ижтимоий-иқтисодий томондан қолаверса хўжалик соҳаларида ўзгаришлар бўлди. Натижада инсоният эди ривожланиш палласига кира бошлайди. Неолитнинг анча кейинг ёдгорликларни топиб текшириш натижасида шу нарсa маълум бўлдики бу вақтга келиб одамлар чақмоқтошдан ишланган болтанинг қўпол бўлмай, балки силлиқланиб ишланганлигига этибор қараттилар. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиб ўсиши натижасида овчи ва балиқчиларнинг ривожланган уруғ жамоаси бундан кейинг тараққиётга замин ҳозирлайди. Бундай юксалишлар натижасида овчи ва балиқчиларнинг ривожланган уруғ жамоаси вужудага келди. Жамиятнинг ижтимоий асосини уруғнинг ерга умумий эгалигини ташкил этади. Овчилик ва балиқчилик катта термачилик майдонлари уруғ жамоасига тегишли бўлади. Ривожланган уруғ жамоасининг

1958 йил. МаърузаМ.О.Косвен "Очерки истории первобытной культуры"

Ўзига хос хусусиятларидан шу нарса маълумки уруғ жамоаларининг хўжалик сохаларидаги такомиллашган тараққиёт аста-секин оила, никох каби тушунчаларга тубдан зарба бера бошлайди. Натижада инсоният тараққиёт босқичлари янги қиёфасига кира бошлади. Жумладан мезолит даврига келиб якка овчиликни обрўйи хар қачонги олдинди дарга қараганда анча ошади. Қолаверса неолит даврига келиб қуролларни кашф қилиниши шунингдек асосийси инсоният ўзлаштирма хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиши натижасида ижтимоий-иқтисодий ва турмуш шароитларида олға силжишиш юз беради. Кейинчалик энеолитдаврининг сўнги даврларига келиб ер шарининг баъзи жойларида юксак сивилисатсиялар пайдо бўлиши биланона уруғи ўз ахамиятини йўқота бошлайди. Эндиликда жамиятга уруғ жамоаларига (ер шарининг баъзи ерларида уруғ жамоалари тугаган) ота уруғИ бошчилик қилади. Қариндошлик ота томомидан белгиланадиган бўлди. бу албатта уруғ жамоасининг қисқа тўлиқсиз баёни холос. Тўлиқроқ баёнини қуйида келтириб ўтамыз. Ривожланган уруғ жамоасинингўзига хос хусусиятларидан яна бири бу даврда меҳнат қуроллари янада такомиллашди. Хўжалик турлари кучайди. Сўнги неолит даврида уруғ жамоаларидан дехқончилик маданияти (бунни рангли кулолчилик маданияти деб ҳам атайдилар) мавжуд бўлган. Хитойдаги Яншау, Орта Осиёдаги баъзи давлатлар ва руминядаги биринчи Дунай маданиятлари шулар жумласидандир.⁸Бундан кўриниб турибтики неолит ривожланган уруғ жамоасининг кулминтсион нуқтаси деб аташ мумкин. Она уруғ даврида никох аёлнинг хохиши билан тузилган ва бузулган. Шундай қилиб ривож топган она уруғ даврида ижтимоий- иқтисодий турмушда ҳам, оилада ҳам, уруғда аёллар устунлик қилишган. Матриархат даврида она оиласи алоҳида кўрғон ёки уйда яшвчи, хар жихаттан мустахкам боғланган жамоадан зич уюшган (жамоадан) ташкилотдан иборат бўлиб баъзи шахсий буюмлардан ташқари барча буюмлар оиланики хисобланади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш ва истемол буюмлари умумий бўлган. Қайд этиб ўтиш лозимки

⁸М.О Косвен “Ибтидоий маданият тарихидан очерклар” 1960 йил Т.

дехқончилик келиб чиқиши қадим тарихга эгадир. Дастлабки дехқончилик билан аёллар шуғулланганлар. Дехқончилик хали ориняк- солютр давридайик энг қоқоқ шакилларда пайдо бўлган деган фаразлар бор. Дехқончилик ва чорвачиликни вужудга келиши ҳамда унинг тарқалиши ибтидоий ва ҳамма давр жамияти тарихи иқтисодий ҳаёти учун бениҳоят чексиз аҳамият касб этувчи воқеалиқдир. Ибтидоий давр ҳўжалик ҳаётининг энг буюк ютуғи ҳам неолит даврида келиб чиқти. Дехқончилик ва чорвачиликни келиб чиқиши жамиятнинг бундан кейинг ривожланишида жуда катта рўл ўйнади. Ривожланган уруғ жамоаси даврида дехқончилик юксак даражада равнақ топди. Дехқончилик ва чорвачиликни билан овчилик иккинчи даражали машғулот бўлиб қолди.

Дехқончилик ривожланиши билан уруғ жамоалари турмуш шароитларида кенг қўламдаги юксалишлар рўй берди. Дехқончилик неолитда баъзи раёнларда илк неолитда, бошқаларида ривожланган неолитда пайдо бўлган, деб ҳисблаш жуда ишончлиқдир. Масалан Ўрта Осиёда дехқончиликни пайдо бўлиши эраиздан олдинги 5 мингйилликда Шарқий Европа пастекисларининг жанубида (дастлаб) дехқончилик пайдо бўлди. Юксак даражада ривожланган термачилик ёки эндиғина шакилланаётган дехқончилик мезолит даврига тўғри келади. Шу даврда яни 11-8 мингйилликда мансуб бўлган. Юксак даражада термачилик ёки илк дехқончилик марказлари олд осийда илк дехқончилик марказлари Фаластин, Ирландия, Ироқ ва яқин Шарқнинг қамар раёнларида топилган. Юқорида келтириб ўтилган ҳудудларни текшириш натижасида шу нарсa маълум бўлдики мезолит қароргоҳларининг археологик жихаттан қовланган вақтда дастаси суяқдан ясалган мотиға, ёрғучоқ, ҳавонча, ўроқ қдамалари ва донни янчиш учун керак бўладиган тошдан ясалган меҳнат қуроллари топилган. Дехқончилик дастлабки вақтларда унча ривожланмаган. У ўсимлиқларнинг бир ёки бир неча турини турар жой яқинидаги кичик майдонда ўстириштан иборат бўлган. Дехқончиликни манашу содда шакли ҳам янги доимий ва анча енгил топиладиган тўйимли овқат бера бошлайди. Табиғий тирикчилик воситаларининг топишни бу усуллари тез ривожлана мбошлади ва

у термачилик, овчилик ҳамда балиқ овлашни иккинчи ва ундан пастроқ ўринга тушуриб қўйди. Бироқ дехқончиликнинг ривожланиши учун муносиб ер майдонлари керак эди. Ибтидоий даврда тайёр ер майдонлари бўлмаган унумсиз қуруқ сахроларни эътибор қолмаганда қолган барча ерлар ўрмон, чангалзор ёки чўл бутазорлари билан қопланган ёки сув босадиган пасткам ботқоқликлардан иборат бўлган. Аста-секин дехқончилик ривожлана бориши натижасида неолит даврига келиб дехқончилик юқори даражада ривожлана бошлайди. Ушбу даврда тарик, буғдой сингари донли экинлик экиш уруғ жамоаларида кенг тарқалган эди. Бу албатта турмушда жуда катта энгилликлар келтирган.

Ривожланган уруғ жамоаси даврида дехқончиликни ривожланиши уруғ жамоасига катта тасир кўрсаткан. Секинлик билан уруғ жамоаларида она уруғининг ҳукумронлиги мавқеи пасая бошлайди ва ота уруғ даври ўсиб боради. Бунга сабаб оғир меҳнат жараёнларининг пайдо бўлиши дехқончилик ва чорвачилик кабиларни аёллар юритиши қийин ва самарасиз бўлиб қолган. Натижада аёллар аста-секин оила ва бола тарбияси билан шуғулланиб хўжалик ишларига кам аралашидан бўлиб қолди. Дехқончилик учун зарур бўлган дастлабки меҳнат қуроллари унинг такомиллашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши неолит даврига келиб ибтидоий дехқончилик келиб чикди. Дастлабки дехқончиликда аёллар ҳам эркаклар билан барабар меҳнат жараёнида қатнашган. Шунини айтиб ўтиш лозимки дехқончилик пайдо бўлиши ҳақида иккита ғоя мавжуддир. Маносемантикларнинг фикрича дехқончиликни ватани пайдо болиши Олд Осиёга бориб тақалган ва аста-секин бошқа худуларга тарқалди. Полосемантикларнинг фикрича ибтидоий дехқончиликнинг марказлари бир ерда бўлмай балки сув тропик иқлимли ўлкаларнинг бир неча жойда турли деворларда мустақил тарзда вужудга келган. Бу албатта мантиқан олиб қараганда ҳақиқатга яқиндир. Кейинчалик ушбу худудларни қўшни ўлкаларга тарқалган. Уруғ жамоаси даврида дехқончилик қуроллари турли кўринишларда тараққий этиб борди.

Ривожланган уруғ жамоасида дехқончилик меҳнат қуроллари юксала бошлади. Мотилага дастлаб оддий дарахт шохи ёки новдадан иборат бўлган. Мотиланинг жуда кўп тури мавжуд. У ривожлана боради таёқнинг ўз учи ўрнига энди ёғоч, тош, суяк ёки чиғаноқдан ясалган "тиғ" ўрнатилиши билан у таркибий қуролга айланди. Ибтидоий дехқончиликни вужудга келиши, арпа, буғдой, ачава, жўхори, шолғом, турп, лавлаги, пиёз саримсоқ, карам, картошка, нўхот, ясмик, ловия, пастернак, кашнич, зира ва бошқа ёввойи экинларни маданиятлаштириш билан боғлиқдир. Ривожланган уруғ жамоаси давридаги чорвачиликни гапириштан унинг пайдо бўлишига назар чорвачиликни муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини кўришимиз мумкин. Табиатта ёввойи ҳайвонларнинг сабр матонат билан кузатти ўрганди. Тинимсиз кузатиш натижасида ҳайвонларни ҳуққ атори ўрганилди ва уларнинг баъзилари аста-секин уларни қўлга ўргатиб, хонакилаштира бошланди. Ибтидоий одам томонидан энг дастлабки қўлга ўргатилган хонакилаштирилган ҳайвон ит ҳисобланди. Бу мезолит даврига тўғри келади. Ер юзининг жуда кўп жойларидаги сўнги мезилт ва неолит даврига оид ёдгорликлар қовланган вақтга маданий қатламлардан меҳнат қуроллари билан бир қаторда хонаки чўчка, қўй, эчки ва йирик шохли қора молларнинг суяклари топилган. Хонакилаштириш ушбу мезолит бошларидан бошланганлигини кўрсатади. Одам ер юзидаги 140 минг турдаги ҳайвонда фақатгина 147 турини хонакилаштирган.⁹

Ривожланган уруғ жамоалари даврида чорвачилик ҳам ривожланди ва кўплаб ўзгаришларга сабаб бўлди. Чорвачиликни пайдо бўлиши билан аста-секин уруғ жамоаларида меҳнат тақсимооти юзага келди. Шу билан бир қаторда уй ҳайвонларини кўпайтириш ғишт билан таминлаш имкониятини берди ва овчилик аҳамиятини жуда тушуриб юборди. Омоч асосидаги дехқончиликни ривожланиши билан бир қаторда уй ҳайвонларининг ўргатиб кўпайтириш ривожланиб борди, чорвачилик пайдо бўлди. чорвачиликнинг дастлабки вақтларида одамни асосан гўшт билан таминлаш мақсадига эга эди. Ҳайвонлар

⁹⁹М.О.Косвен "Ибтидоий маданият тарихидан очерклар" 1960 йил Т.83-бет

сутидан анча кейинроқ файдаланишни ўргандилар. Баъзи чорвачилик қабилалари шохли молларнинг жуда катта подаларига эга бўлса ҳам на сут, на махсулотларини истемол қилишни билмаганликларига қараб айрил жойларда сут чорвачилиги анча кечроқ пайдо бўлганлиги ни билишимиз мумкин.

Чорвачиликни ривожланиши билан бир қаторда жамият ҳаётида уруғчилик жамоаларида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. дехқончилик ва чорвачиликнинг тараққий этиши уруғ жамоаларининг иқтисодий ҳаётида катта рўл ўйнаб, жамиятта нотекс ривожланишига сабаб бўлди. Бу ҳолат ибтидоий жамоа тузулишининг охирида, мулки тенгсизлик ва табақалар вужудага келтирганлигини кейинг даврларда неолитда унинг охирларида энеолитнинг бошларида кузатилган меҳнат тақсимотларида чорвачилик дехқончиликдан ажралиб чиқди. Натижада уруғ жамоасида янги соҳа хўжалик тури шаклланди.

Сўнгги уруғчилик жамияти моддий маданияти олдинги даврларга нисбатан анча мукаммаллашган бўлиб инсоният ривожланишининг янги босқичлар юза келди. Неолит даврининг иккинчи ярмидан бошлаб ишлаб чиқариш кучларинг янада ривожланиши уруғчилик жамиятининг янги ташкилотга ўтишиши – патреархатга ўтишга мажбур бўлган.

Юқорида такидлаб ўтқанимиздек, матреархат ва патреархат уруғчилик жамияти ташкилотининг икки узвий тарихий шакллари, ибтидоий тарихнинг икки узвий даврининг ташкил этади. Матреархатдан патреархатга ўтиш негизида ишлаб чиқариш кучларининг юксалиши ётади. Моддий бойликларни ишлаб чиқаришда восита бўладиган қуроллари ва маълум ишлаб чиқариш тажрибасига ва меҳнат малакасига эга бўлганликлари орқасида ишлаб чиқариш қуроллари ҳаракатга келтирувчи ва моддий бойликлар ишлаб чиқаришни амалга оширувчи кишилар жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ташкил этади бундай ўсиш аввало хўжаликни юксалишида ва дехқончиликдан омуҳ асосидаги дехқончиликка ўтишда ўзининг кўрсатади. Шу муносабат билан

эркаклар энди юқори мавқега кўтарила бошладилар. Ишлаб чиқариш кучларинининг, хусусан дехқончилик ва чорвачиликнинг, шунингдек, алмашишнинг ривожланиши уй хайвонларининг ажралиб чиқишига олиб келадики бу аёлларнинг меҳнат соҳаси бўлиб қолади.

Сўнги уруғчилик жамиятининг моддий маданиятига келадиган бўлсак ушбу даврдагига нисбатан хўжалик соҳасида урушишлар содир бўлди. Ижтимоий ишлаб чиқаришта ҳам иқтисодий томондан ҳам сўнги уруғ жамоалари юксак моддий ва маданий маданият яратдилар. Шунини айтиб ўтиш керакки, бу ўтмиш етакчи ишлаб чиқариш ривожланган балиқчилик бўлган жамиятларда ҳам воситаларнинг ривожланиши ётади. Матрархат патрархатга ўтиш никоҳнинг ва оиланинг янги шакллари пайдо бўлиши билан бирга содир бўлади. Мазкур даврга келиб матрархат ўрнатиш эндиликга эркаклар эгаллай бошлаган ижтимоий ва хўжалик билан муросасиз қарамақаршилиikka учрайди. Эндиликда эркак ўзининг янги ижтимоий вазиятга таянган ҳолда матрилакал никоҳ тартибини емириб ташлайди ва хотинини ўз уйига олиб келади. Болалари билан биргаликга эр хотиннинг муштаҳкам боғланиши якка никоҳ тартиби ўрнатилади. Болалари билан биргаликда эр ва хотиннинг муштаҳкам, боғланиши якка никоҳ моногамияни вужудга келтирди. Ерга ва ишлаб чиқариш қуролларига умумий эгалик оила асосини хўжалигини ташкил ётади. Илтимой ишлаб чиқаришда ва оила хўжалигида ҳам эркаклар билан аёллар ўрин алмашти. Энди аёллар фақат уй хўжалиги билан шуғулланадиган бўлишди. Илгари овчилик билан шуғулланган эркаклар эндиликда дехқончилик ва чорвачиликни ўзларига касб қилиб ола бошладилар. Худди мана шу даврдан бошлаб ўтроқ яшаш бошланганлигини билишимиз мумкин.

I.2. Мехнат қуролларининг такомоллашуви.

Илк уруғ жамоалари даврида пайдо бўлган мехнат қуроллари инсонларга овчилик пайтида, термачилик пайтида жуда кўплаб манфаатлар олиб келган. Кейинчалик мезолит даврига келганда табиатдаги ўзгаришлар иқлимий воқеалар одамзодни янги қуроллар ятишга ундади. Ҳайвонлар ҳам ўз вақтида чаққон ва эпчил бўлиб одам олдинги қуроллар билан уларни овлашлари қийин бўлиб қолди. Мезолит даври ўтраларига келиб одамлар ўқ-ёйни ихтиро қилишди. Ўқ-ёйни кашф этилиши жуда катта ютуқларга олиб келди. Еркаклар нуфузи ортиб борди. Айниқса якка овчилар роли ошди. Дехқончиликни пайдо бўлиши билан эса мехнат қуролларида ўзгаришлар содир бўлди. Ерни омовчи билан ишлаб дехқончилик қилишган. Чақмоқтошлар билан бирга маҳаллий шароитларга қараб бир мунча қаттиқроқ жинслар кварцит, диорит, обсидиан, диабаз, мәрмәртош ҳам ишлатилган.

Суяк ёки шохдан ясаиш мумкин бўлган буюмлар игна, қармоқ, бигиз, найза ва ёй учи каби мехнат қуролларининг ясашган. Қурол яроқ ва мехнат қуроллари мавжуд барча қуроллари турлари фақат уриш, кесиш ва пармалаш каби асосий вазифаларни бажарган. Қурол-яроқларнинг ишлаб чиқариш вазифаларини бажарган. Ёй умуман олганда икки хил бўлган: бир бутун ёғочдан ясайган оддий ёй, иккинчиси бир бирига ёпиштириб ясалган мураккаб ёюдан иборат бўлган.

I.3. Турар жойлар.

Уруғ жамоаларини вақти ўтиши билан ўсиб борган эҳтиёжлари ҳақида гапирадиган бўлсак турар жойларни эслаб ўтиш зарур ҳисобланади. Турар-

жойлар олдин пайдо бўлганми ёки кийим-кечакми деган масала кўп марта ўртага ташланди. Одамларнинг энг дастлабки турар жойлари ғорлар ва дарахтларнинг коваклари бўлганлиги ҳақида билишимиз мумкин. Ибтидоий турар жойларнинг бу хилма-хиллигига қарамай уларнинг ривожланишини уч босқичга ажратиш мумкин.

Одамнинг энг олдин ва жуда сода қилиб қурган турар жойи шамол тўсиғи ёки ғовдан ва ерда қовланган ўрадан иборат бўлган. Шу энг содда икки шаклдан ер ости ва ер усти турар жойлари пайдо бўлади. Биринчиси чайла ёки қаппа, иккинчиси ертўладир. Ўз навбатта чайла ёки қаоа шакли ва такомиллашуви жиҳатдан қанчалик турли-туман бўлса ишланадиган материали жиҳатдан ҳам шунчалик турли тумандир. Турар-жойларнинг шу ривожланиш босқичига тегишли бошқа шакли ертўлалар жуда ҳам сода бўлса ҳам ҳархил кўринишга эга. Улар ерни қанчалик чуқур ўйилгани билан бир биридан фарқ қилади. Улар турли хил бўлиб базилари тупроқдан қурилади ва ер устидан кўтарилиб туради, баъзилари эса ерга чуқур қазилиб усти ер билан баробар бўлади.

Дастлабки уй жойларда умуман эшик бўлмаган. Қириладиган тешикка ҳеч бўлмаса пўстлоқ ёки бўйра осиб қўйилмаган. Турар жойларнинг ичкари қисми ҳеч нарса билан беркитилмаган. Бироқ дастлабки даврларда уй эгасини йўқлигини билдирувчи белги яратилди, бу белги кираверишга қўйилган таёқдир.

Ривожланган уруғжамоаси дастлабки босқичларига турар жойларасёлларнинг иши бўлган десак муболаға бўлмайди. Чунки кўчиш вақтида ҳам турар жойларни аёллар кўтариб борганлар. Кейинчалик аста-секинлик билан уруғ жамосининг сўнги босқичларидан мустаҳкам ва доимий турар жойларни қуриш асосан эркакларни иши бўлиб қолди. Турар жойларнинг иситиш ҳақида гап кетганда иситиш доимий мустаҳкам турар жойлар билан бир вақтда пайдо бўлган. Кулба ўртасига ўчоқ қурган ёки гулхан ёқилди ва тутун тепадан очилган мўрикон орқали чиқиб кетади. Кейинчалик ўчоқ асосан овқат

пишириш учун хизмат қила бошлаган ва энди у деворга тиркаб ўрнатилган туйнукни эса ўчоқдан юқорироқда деволдан очилган тешикдан чиқариб юборади.

Турар жойлар пайдо бўлганидан сўнг у фақат одамгагина бошпана бўлмай унда унинг қуроллари, озиқ –овқатлар захиралари сақланган. Совуқ иқлимли жойларда эса ҳайвонлар учун ҳам молхона бўлганлигини археологик текширувлар натижасида билиб олишимиз мумкин. Неолит даврида айниқса дехқончилик ва чорвачилик ривожландан даврда дастлаб турар жойларнинг ичида ҳайвонларнинг озиқ-овқат захираларини сақлаш учун ҳам турли ғовлар ўрнатишган. Кейинроқ эса омбор, сарой, оғулхаона сингари махсусу хўжалик бинолари пайдо бўлган.Кўриниб турибдики ривожланиш уруғ жамоаси даврида инсонлар кўплаб хўжалик ютуларига эришганлар бунинг қаторида албатта турар жойларни эслаб ўтишимиз ўринлидир.

Сўнгги уруғчилик жамияти моддий маданияти олдинги даврларга нисбатан анча мукаммаллашган бўлиб инсоният ривожланишининг янги босқичлар юза келди. Неолит даврининг иккинчи ярмидан бошлаб ишлаб чиқариш кучларинг янада ривожланиши уруғчилик жамиятининг янги ташкилотга ўтишиши – патреархатга ўтишга мажбур бўлган.

Юқорида такидлаб ўтқанимиздек, матреархат ва патреархат уруғчилик жамияти ташкилотининг икки узвий тарихий шакиллари, ибтидоий тарихнинг икки узвий даврининг ташкил этади. Матреархатдан патреархатга ўтиш негизида ишлаб чиқариш кучларининг юксалиши ётади. Моддий бойликларни ишлаб чиқаришда восита бўладиган қуроллари ва маълум ишлаб чиқариш тажрибасига ва меҳнат малакасига эга бўлганликлари орқасида ишлаб чиқариш қуроллари ҳаракатга келтирувчи ва моддий бойликлар ишлаб чиқаришни амалга оширувчи кишилар жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ташкил этадуи бундай ўсиш аввало хўжаликни юксалишида ва дехқончиликдан ому асосидаги дехқончиликка ўтишда ўзининг кўрсатади. Шу муносабат билан эркаклар энди юқори мавқега кўтарила бошладилар. Ишлаб чиқариш

кучларинининг, хусусан дехқончилик ва чорвачиликнинг, шунингдек, алмашишнинг ривожланиши уй хайвонларининг ажралиб чиқишига олиб келадики бу аёлларнинг меҳнат соҳаси бўлиб қолади.

Сўнги уруғчилик жамиятининг моддий маданиятига келадиган бўлсак ушбу даврдагига нисбатан хўжалик соҳасида урушишлар содир бўлди. ижтимоий ишлаб чиқаришта ҳам иқтисодий томондан ҳам сўнги уруғ жамоалари юксак моддий ва маданий маданият яратдилар. Шунини айтиб ўтиш керакки, бу ўтмиш етакчи ишлаб чиқариш ривожланган балиқчилик бўлган жамиятларда ҳам воситаларнинг ривожланиши ётади. Матрархат патрархатга ўтиш никоҳнинг ва оиланинг янги шакллари пайдо бўлиши билан бирга содир бўлади. Мазкур даврга келиб матрархат ўрнатиш эндиликга эркеклар эгаллай бошлаган ижтимоий ва хўжалик билан муросасиз қарамақаршилиikka учрайди. Эндиликда эркек ўзининг янги ижтимоий вазиятга таянган ҳолда матрилакал никоҳ тартибини емириб ташлайди ва хотинини ўз уйига олиб келади. Болалари билан биргаликга эр хотиннинг муштакам боғланиши якка никоҳ тартиби ўрнатилади. Болалари билан биргаликда эр ва хотиннинг муштакам, боғланиши якка никоҳ моногамияни вужудга келтирди. Ерга ва ишлаб чиқариш қуролларига умумий эгалик оила асосини хўжалигини ташкил ётади. Илтимой ишлаб чиқаришда ва оила хўжалигида ҳам эркеклар билан аёллар ўрин алмашти. Энди аёллар фақат уй хўжалиги билан шуғулланадиган бўлишди. Илгари овчилик билан шуғулланган эркеклар эндиликда дехқончилик ва чорвачиликни ўзларига касб қилиб ола бошладилар. Худди мана шу даврдан бошлаб ўтроқ яшаш бошланганлигини билишимиз мумкин.

II боб. Ривожланган уруғ жамоасининг хўжалиги.

II.1. Ривожланган уруғ жаоасида кийим-кечак ва безаклар

Ушбу даврда кийим-кечаклар ривожланиб юксак даражада мавқеи ошти. Албатта ер юзидаги баъзи минтақалардаги кабиларни хисобга олмаганда. Кийим-кечаклар ушбу даврда турли йўллар билан тикилган. Тўқимачиликни пайдо бўлиши кийим-кечак техникасини янада оширди. Кийим-кечакни пайдо бўлиши ҳақида тўхталадиган бўлсак қадим пайтлардаёқ инсоният турлихил дарахт пўсийлоқларини, ҳайвон териларидан кийим сифатида фойдаланганлигини билиб олишимиз мумкин.

Кийимнинг пайдо бўлишига совуқдан сақланиш зарурияти сабаб бўлган деган зарурияти сабаб бўлган деган фикрлар кўп тарқалганди. Кийим уялиш туйғуси натижаси пайдо бўлган деган назари ҳам жуда кенг тарқалган. Олимларнинг фикрига кўра кийим одамларни ўз танасини безатишга ишлатилишидан келиб чиққан. Кийим-кечакка ишлатиладиган ҳомашёлар турли-туман бўлиб кўп жихатдан маҳаллий шароитга ҳам боғлиқдир. Кийимнинг асосий ва энг қадимги хилларини айтиб бериш жуда қийин аммо булар камар, ёпинғич, пешбанд, юбкадан иборат бўлган. Жуда кўп қолоқ қабилалар бошларига турли безакларни тақиб юрганлар. Кийим билан безак ўртасида ҳақиқаттан ҳам алоқа борлиги маълумдир. Аёллар ўша даврлардаёқ турли буюмлардан безак сифатида фойдаланганлар. Безаклар кўпинча турли суяк қолдиқлари, хатто итнинг тишларини ипга териб бўйинларига тақишган. Турли металллардан безак сифатида фойдаланишганлигини билиб олишимиз мумкин.

II.2. Ривожланган уруғ жамоасида таомлар.

Ушбу давр таомлари озиқ-овқатлари ҳақида гап кетар экан дастлаб таомнинг пайдо бўлиши ва унинг инсонлар ҳаётида тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Дастлаб одамлар уй-жойларини иситиш учун қилинган уй ўчоқларида, сопол идишларда овқат пишира бошлаганлар. Ибтидоий даврда тўхталадиган бўлсак кўпгина қабилалар дастлаб балиқ, гўшт ва ўсимликларни ҳамлигича истеъмол қилганлар. Одам олонадан фойдаланишни ўрганган вақтдан бошлаб ўсимлик ва ҳайвонлардан иборат овқатларни қовуриб ёки пишириб ейдиган бўлишди. Пишириш ёки қовуриш усуллари ҳам анчагина сода бўлган. Овқатни бевосита гулхан оловида, кўмир остида, иссиқ кул ёки қизитилган тош устида пиширилган. Шихда пишириш жуда қадимийдир.

Ўчоқ атрофида тош терилган оддий ўрадан иборат бўлган. Этнографик паззандаликда одамлар қабоб пиширишни тарқалган усуллари қуйидагичадир. Бутун бошли ҳайвонни ичак-чавоқларини олиб ташлаб ичига қиздирилган тошладан ташлаб тўлдирилади ва у қизиқ турган ўчоқ ўрага тушурилиб устини тупроқ билан қоплади.

Ривожланган уруғ жамоаси даврига келиб овқат пиширишнинг турли хиллари тарқалди. Ушбу даврда қулолчиликни пайдо бўлиши билан турли хил сопол буюмлар кўпайди. Оқибатта уруғ жамоалари учун овқатларни мазали, сифатли ва асосийси тўйимли қилиб яратиш учун шароит яратилди. Бугдой, жавдар, тарик қабил донли экинлардан ҳам турли таомлар пайдо бўла бошлади.

Ривожланган уруғ жамоаси даврида ҳўжаликнинг ҳар бир соҳаларида озгаришлар ва ривожланишлар кузатилиши мумкин. Дехқончилик, чорвачилик, овчилик ва маълим миқдорда термачилик ҳам давом этган. Дехқончилик анчагина ривожлангунча одамнинг ишлаб чиқариш фаолиятида термачилик билан бир қаторда овчилик ҳам асосий соҳа ҳисобланарди.

Ҳўжаликдаги ўзгаришлар асосан неолит даврида ва ундан кейинг даврларда юз беради. Инсоният ўзининг ривожланишининг юқори чўққисига

кўтариш учун муҳим пойдевор қўйди.Натижада кўриниб турибдики хўжаликдаги ўзгаришлар аста секинлик билан уруғ жамоалари орасида парокандаликлар олиб келди.Уруғ жамоалари ичида парокандаликлар олиб келди.Уруғ жамоалари ичидан эндиликда алоҳида оилалар ажралиб чиқа бошлади улар ўзларининг умумий хўжаликларига эга бўла бошладилар.

Сўнги уруғчилик даврига келиб патриархат оилаларининг пайда бўлиши аёлларни хўжаликни оиладагини асосан бошлиғи қилиб қўди.Еркаклар асосан оғир меҳнат билан шуғуллана бошладилар.Хўжаликни ривожланиши, уруғчилик тузумининг пайдо бўлиши билан одам озиқ топадиган маълум территорияга озми кўпми кўникиб қолди. Хатто ҳозирги жойлардаги айримжойлардаги қабилар ҳам шундай уруғ жамоаси каби ҳаёт кечирмоқда. Қабилаларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчишига мавсумнинг ўзгариши сабаб бўлди.

Жамоавий никоҳ.

Уруғ жамоаси ташкил топиши жараёнида Homo sapiensнинг шаклланиши якунланди.Уруғ одамларни ижтимоий бирлаштирган дастлабки,ташкилот эди.Унинг асосини вазифаларни бўлиш орқали вужудга келган эди.Жинсий агамия бир уруғ тартибида бўлмаган,уруғ билан бир пайтда дуал-уруғ вужудга келди.Ҳар иккала уруғ ижтимоий муносабатлар тартибида ўзаро алоқада бўлган.Шу тартибда жинсий муносабатлар борасида ўзига ҳос **табу** вужудга келди.Дуал-уруғ таркибида бу жараён устидан қатий назорат ўрнатиладиган бўлди. Уруғ жамоаси ташкил топиши билан жинсий муносабатлар аноним ва промискуитет бўлмай қолди.Уруғ ижтимоий меҳнат ташкил етилиши билан ниҳок,якка тартибда эмас,жамоавий тарздаги никоҳ вужудга келди.Дуал уруғ орасида ўзаро жинсий муносабатларни назорат ташкилоти меҳнат муносабатлари борасида эмас,насл қолдириш борасида иттифоқ тузишга ҳизмат қилган.Уруғ жамоаси эркаклар ва аёллар-болалар гуруҳларидан иборат бўлиб,аёллар гуруҳи болаларга гуруҳига бўлинган.Дуал-уруғ шароитида биринчи уруғ таркибидаги эркаклар ва аёллар иккинчи уруғ

таркибидагилар билан жамоавий никоҳ муносабатларига киришган.¹⁰ Натижада дуал-уруғ жамоаси 4 гуруҳ 2та (А –гуруҳ эркаклари ва Б-гуруҳ эркаклари) эркаклар ва 2 та аёллар (А- гуруҳ аёллари Б-гуруҳ аёллари) гуруҳларининг ўразо алоқадаги- $A_{\text{ЭРК}}B_{\text{АЁЛ}}--B_{\text{ЭРК}}A_{\text{АЁЛ}}$ тизими вужудга келди. А-уруғидаги аёллар ва эркакларни фақат экзогам умумий меҳнат бирлаштирган. Б-гуруҳдаги уруғда ҳам шу ҳолат бўлган. Иккала уруғ насл борасидагина алоқада бўлган. Қолган хўжалик, иқтисодий муаммоларда алоҳида-алоҳида ҳаракат қилган. Шундай қилиб, $A_{\text{ЭРК}}B_{\text{АЁЛ}}$ -типидаги дуал-уруғ ташкил этилган. Битта уруғда меҳнат қилиувчи аёллар ва эркаклар никоҳи табуси шу тарзда шаклланди. Жинсий муносабатларга битта хўжаликда яшамайдиганларгина кириши мумкин эди, холос. Бу ҳолат дислокал хусусиятга ҳам эга эди. Уруғлардаги эркаклар ва аёллар бири олдида ҳеч қандай маъсулият бўлмай, уларни жинсий шерикликгина бирлаштириб турган. Бу жамоавий никоҳ шароитидаги оддий ҳолат бўлган. Замонавий одам деганда икки индивид ўртасидаги никоҳ тушинилади. Айнан жамоавий никоҳ борасида тадқиқотчилар дуч келганда айнан жамоадаги аниқ эркакларнинг бошқа уруғдаги аниқ аёлларга ўртасидаги жинсий муносабатларига асосланган никоҳ деб тушунишган. Шундай деб ҳисоблайдиганлардан бири Л.Морган бўлган. Жамоавий никоҳ алоҳида индивидлар эмас, уруғлар орасидаги гуруҳлар орасидаги муносабат деб қаровчи кам сонли тадқиқотчилардан бири Л.Файсон ўз ишларида кўрсатиб беради.¹¹ Файсон қарашларини давом эттирган У.Риварес, бу ҳолатни жамоавий никоҳ термини ўрнига “жинсий коммунизм” деб изоҳлади. Аммо уларнинг қарашлари эътиборсиз қолиб кетди. Морган тарафдорлари жамоавий никоҳни **полиандрия*** ва **полигиния*** тарзда талқин этишда давом этишди. Мисол учун семанглар ҳақида Н.Н.Миклуха-Маклай шундай миосл келтириб ўтган : “Турмушга чиққан қиз ўз эриникида бир неча кун яшагандан сўнг эрининг розилиги билан уруғдаги бошқа эркакникида бир неча кун шу тарзда эркаклар

¹⁰ Семенов Ю. И. Происхождение брака и семьи. М., 1974.стр-154.

¹¹ Семенов Ю. И. Происхождение брака и семьи. М., 1974.стр-157.

гуруҳдаги барча эркаклар билан яшаб бўлгач ўз эри ёнига қайтади, бироқ хоҳишига кўра шу ишни давом этириши мумкин бўлган.¹² Бундай тарздаги никоҳ-оилавий муносабат- **промискуитет- жамоавий никоҳ-индивидуал** (жуфт, кечийчалик моногам) кўринишдагиги ривожланиш деб қараш заиф бўлар эди. Чунки никоҳ индивидуал тарздагина мавжуд бўлиши мумкин бўлган. Шунинг учун жамоавий никоҳ уруғ орасидаги оддий жинсий алоқа сифатида алоҳида тарзда вужудга келган. Жамоавий никоҳ термини ўрнида аслида бошқа термин аташ керак бўлса-да индивидуал никоҳ билан ўхшаш жиҳатлари кўп. Морган жамоавий никоҳни алоҳида индивидуал никоҳлардан иборат бўлган деб адашган эди. Буни Морган ягона оила тарзда тушунган. Албатта у бунда болалар тарбияси борасида жамоадаги ҳолатни ҳисобга олиб айтган. Туғилган бола дастлаб аёллар гуруҳида бўлаган. Балоғатга этган махсус одатлар асосидаги-**инициация*** билан қизлар аёллар гуруҳига ва ўсмирлар эркаклар гуруҳига қабул этилган. Инициация жараёни эркакларда нисбатан жиддий кечган. Инициациянинг энг асосий қисми бу никоҳга тайёргалик ҳисобланган. Инициация жараёни нафақат урф-одатлар балки жинсий аъзоларни операция қилиш ўсмир ўғил болани хатна қилиш ё қиз болани **дефлорация** қилинган.¹³ Дисиктисодий ва дислокал ҳолатдаги никоҳдан туғилган одам бутун умр ўзи туғилган коллективда қолган. Бундай Бу одамнинг уруғга дуал-уруғларни она уруғига асосланганини кўрсатади. тегишли эканлиги она билан бегланади деган эмас. Унинг онаси шу уруғдан эканлигидан эмас балки у туғилганидан уруғ аъзоси бўлганлиги билан белгиланади. Уруғ ичидаги боланинг ўз отаси ё онаси ижтимоий алоқага киришиб, у билан қариндошлик алоқаси борлигини аниқлаш **филиация*** деб аталади.

Дуал-уруғ шароитида **кросс-кузен*** никоҳ тоғаваччалар, аммакиваччалар ўртасидаги никоҳ кузатилади. Шундай қилиб, доимо

¹² Алексеев В.П., Першиц А.И История первобўтного обхества. М., Астрель, 2007 г. Стр-187

¹³ Алексеев В.П., Першиц А.И История первобўтного обхества. М., Астрель, 2007 г. Стр-183

қабиланинг икки палласи, фратриялар ва фратриядаги икки уруғ ўртасида тузиладиган никоҳ тартибининг хусусияти бу тартибни дуал экзогамия деб аташга асос бўлди. Иккинчидан эса доимо бир уруғ, бир фратрия, ичида шубҳасиз экзогамия шакилланаётган вақтда никоҳ тартиби бир йигит ва бир қизнинг қовушишидан иборат бўлмаган экзогамияли никоҳга мувофиқ бутун бир уруғнинг ҳамма эркаклари бошқа уруғ ёки палланинг аёлларига эр бўлиши ҳуқуқига эга бўлган. Никоҳнинг бу тарихий шакли гуруҳли никоҳ деб аталган

Жуфт оилалар пайдо бўлиши ва эволюцияси

Кўплаб археологлар жуфт оилаларнинг пайдо бўлган даврини сўнги палеолит даври билан боғлайдилар. Буни шу давр манзилгоҳлари ва маконларини ўрганиш асосида хулоса беришган. Археолог Павловнинг фикрича шундай турар жойлар тахминан 24-25 минг олдин пайдо бўлган. Дуал-уруғ шараоитида қисқа жинсий муносабатларга асосланган жуфтликлар вужудга келди. Бироқ энг узоқ давом етган жуфтликни ҳам никоҳда дейа олмаймиз. Сабаби улар ўзаро ҳеч қандай мажбуриятга эга эмас эди. Уруғ орасида жинсий алоқада бўлган эркак ва аёллар ўртасида аста секинлик билан ижтимоий боғланиш юзага кела бошладди. Бунда ўзаро совға алмашиш жараёни муҳим аҳамият касб этди. Бунинг оқибатида кейинчалик эркак ва аёллар ўртасида доимий жинсий муносабатларга олиб келди. Бундай ҳолат Тробриан оролидаги меланезияликлар ва Жанубий Америкадаги сиринларда кузатилган¹⁴. Бундай моддий алмашиш жараёни ҳозирги даврда никоҳ узуги бериш кўринишда сақланиб қолган. Совға бериш жараёнинг бошланиши уруғдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ўзгаришга олиб келди. Сабаби совға бериш жараёнида жамоага тегишли мулк бошқа бировга берилиши бошқа аъзоларда норозилик келтириб чиқарар эди. Натижада уруғнинг фақат балоғатга етган аъзолари фойдаланиши мумкин бўлди. Натижада уруғда икки тизимли бўлиш, асосий озиқ-овқат топувчиларнинг озиқани тақсимлаб олиниши ва ўз

¹⁴ Семенов Ю. И. Происхождение брака и семьи. М., 1974. стр-197.

улушиниг бир қисмини болаларга тақсимлаши.Шундай қилиб қарамоқли муносабат,яни болалар кимнинг қарамоғида бўлса у шу орқали озиқ овқатни жамоа мулкидан олиши мумкин бўлган.Лекин эркаклар гуруҳлари ва аёллар-болалар гуруҳлари алоҳида алоҳида ҳаёт кечиришган.Айнан шу омил иқтисодий алоқлар заифлиги жуфт оилалар қисқа даврда алоқада бўлишига олиб келган.Бундай жуфтликлар нисбий бўлиб,унга қўшимча равишда никоҳлар бўлган.Мисол учун австралиялик пирауруларда жуфтликларда бир неча қўшимча никоҳлар бўлган.¹⁵ Амалда полигиния,шунингдек **сорорат***-бир неча опа-сингил ёки вафот этган хотининг синглисига уйланиш,ва **левират***-ака ё уканинг хотини билан яшаш ёки кейинчалик бевасига уйланиш.Шу билан бир қаторда полиандрия қам мавжуд бўлган.Эркак ва аёл асосий жуфти билан яшаш билан бир қаторда ҳаёти давомида бир неча марта жуфтини алмаштирган.Никоҳгача ва никоҳдан кейинги бундай муносабатлар оддий ҳолат бўлган.Бу нафақат оддий ҳолат хатто маросим -одат бўлган.Масалан жуфтликда яшамоқчи бўлган қиз дастлаб,кўплаб эркаклар билан яшашган.Бундай ҳолат никоҳ олди гуноҳлардан фориг бўлувчи **гетеризм***деб аталган.Ёки меҳмондорчилик гетеризми меҳмон уруғда бегона аёллар бирга бўлиш имконини берган.Уруғ таркибида жуфт оилалар вужудга келиши пировардида аста секин уруғ жамоаси емирила борди Дуал-уруғ жамоаси 4 гуруҳ 2та (А –гуруҳ эркаклари ва Б-гуруҳ эркаклари) эркаклар ва 2 та аёллар (А- гуруҳ аёллари Б-гуруҳ аёллари) гуруҳларининг ўразо алоқадаги- $A_{ЭР}+B_{АЁЛ}-B_{ЭР}+A_{АЁЛ}$ тизими $A_{ЭР}+A_{АЁЛ}-B_{ЭР}+B_{АЁЛ}$ яни иқтисодий муносабатларда ягона хўжаликка жуфт оилалар бирлаша борди.Яни жуфликлар алоҳида яшасада хўжалик ягоан бўлиб борди.Ж.Ф.Лафито ирокезларда ягона жуфтлик яшайдиган уй бўлмаслигини, улар қабиладошларидан яширин тарзда учрашиб туриши ,ер хотини озиқ-овқат кийим кечак билан таъминлаганини ёзиб қолдирган эди¹⁶.Кўриниб турганимиздек жуфт оилалар уруғ жамоасидан

иқтисодий тўла ажралмай, нисбатан алоҳида яшашга уринган. Она уруғидан ота уруғига ўтиш никоҳ ва оила муносабатларининг ўзгаришига-матрилохал ёки дислокал жойлашишнинг патрилохал жойлашувига ўрин бўшатиб беришга олиб келди. Демак ота уруғи даврига келиб никоҳ янгича шакл ва янгича мазмунга эга бўлди. Ота уруғи даврига келиб матриолокал ва дислокал жойлашув вақтидаги муваққат ва у қадр мустахкам бўлмаган жуфт никоҳ ўрнини эр ва хотиннинг анча барқарор ва мустахкам боғланишга эга бўлган-моногамия-бир никоҳликка асосланган оила шакли вужудга кела бошлади ва тобора мустахкамланди. Нихот илгарги матриархат оилалар ўрнига ота уруғи даврининг йирик патриархал оилалари ташкил топа бошлади. Ота уруғи ўзининг ривожланган ва сўнгги босқичга ўтгач матриархал тартибини емириб ташлайди. Эр ўз болалари ва хотинини ўз уруғи ўз уйида олиб қолади ва бу оила патриархал оилага айланади. Аёл ва унинг болалари ўзи туғилган оила, қариндош ва бутун уруғдан алоқани узиб, патриархал оиланинг уй хўжалигида ҳуқуқсиз меҳнат кучига айланади, хотин ва болалар шу оила бошлиғининг қўл остига ўтади. Шу тариқа оилада оналик ҳуқуқи мағлуб бўлиб, оталик ҳуқуқи о

II.3. Ривожланган уруғ жамоасидаврида ҳунармандчилик.

Хунармандчилик соҳаси ушбу даврда келиб юксак даражада ривож топди дейишимиз мумкин. Айниқса неолит даврида хунармандчиликнинг ҳамма соҳалари тармоқлари равнақ топа бошлади. Келиб чиқишига назар ташлайдиган бўлсак хунармандчиликни дастлабки наъмуналари қилиб ибтидоий даврда одамлар озиқ овқат топпиш мақсадида ишлатган турли хил тош қуроллар, термачиликда ас қотган бошқа хил буюмлар меҳнат шароитида зарур бўлган меҳнат қуролларни хунармандчилик пайдо бўлишига замин яратган десак ҳам бўлаверади.

Мезолит даврига келганда дехқончиликнинг пайдо бўлиши бунга яъна қуртки бўлди. Ишлаб чиқариш қучларининг ривожланиши ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш хинаки касбларни олиб келишига сабаб бўлади. Териш ошиштан ва уни ишлаш каби сода усуллар билан тозалаш қабилардан иборат кўринишларда юз берди. Дастлаб тўқиш хунарлари ривожланди. Булар арқон, халта, сават, тўр, бўйра турли идишлар ва кийимларни тикиш, тўқиш ҳам бошланди. Толаларни тўқиш натижасида тола йигириш пайдо бўлган. Ривожланган уруғ жамоаси даврида яъники неолит даврида қулоччиликни кашф этилиши хунармандчилик тармоғида юксак инқилоб бўлди. қулоччиликнинг асосий аҳамияти шундан иборатки, у овқатни қайнатиб пишириш ва суюқликни сақлаш имкониятини бети. Қулоччилик ривожлана бориб кўп соҳаларда қўлланила бошланди ва тасвирий санъатнинг ривожланишига ҳам катта ёрдам берди.

Фойдаланган адабиётлар

1. Алесеев В.П, Першиц А.И. “История первобытного общества” Москва. “Высшая школа” 1990.
2. Алесеев В.П, Першиц А.И. “История первобытного общества” Москва. “Высшая школа” 2004.
3. Жабборов. Исо “Жахон этнология асослари” Тошкент 2004.
4. Конрад Филлип Которк “Маданий антропология” Тошкент 2004.
5. Kabirov Abdujabbor “Ibtidoiy jamiyat tarixi” Тошкент 2004.
6. Internet : www.history.ru